

“Сув таъминоти ва оқава сув обьектлари  
қурилиши бўйича инжинииринг  
компанияси” УК Фаргона вилоят худудий  
бошқармаси бошлии Р.Холикназаровга

### Техник шарт

Сизнинг 2022- йил 26-Октябр кунги 495-сонли хатингиз ва Ўзбекистон Республикаси  
президентининг 2022-йил 25-октябр кунги  
ПҚ-408 сонли қарорига асосан Риштон тумани Сўхобод МФЙ худудида яшовчи ахолини тоза  
ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида куйидаги техник шарт бажарилиши тавсия этилади.

### И ч и м л и к с у в б ў й и ч а

Риштон тумани Сўхобод МФЙ ахолисини бир кунлик сув сарфи    м<sup>3</sup> хисобланиб,  
уланиш нуқтаси. Сўхобод МФЙ худудида 2 дона сув кудугини таъмирлаш 2 дона замонавий  
электр тежамкор сув насоси ўрнатиш, лойиха қувватидан келиб чикиб 2 дона ичимлик сув  
минораси ўрнатиш ва UZSUVTAMINOT логотипи тушуриш, 2 дона шит каскад ўрнатиш хамда  
войиха ва гидравлик хисоб китобларига асосан узунлиги 1.1 км тармокни таъмирлаш 5 км бўлган  
ичимлик сув қувури тортиш замонавий пайвандлаш дазмоли ёрдамида монтаж қилиш ишлари ШНК,  
КМК хамда СЭО ва ЖС талабларига мос равишда амалга оширилсин.

Ичимлик сув тармоқларини курилиш-монтаж ишлари даврида бошқа мухандислик  
коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида,  
тегишли корхоналардан холоса олиш кўзда тутилсин.

Лойиха-смета хужжатлари ишлаб чиқишида тажрибали лойиха институтларини жалб қилган  
холда лойиха-смета хужжатлари ишлаб чиқиши ва давлат экспертиза хulosалари олингандан сўнг,  
курилиш-монтаж ишлари амалга оширилсин. Тайёрланган лойиха-смета хужжатлари курилиш-  
монтаж ишлари бошлангунига қадар Вилоят “Фаргона сув таъминоти” МЧЖ бош мухандиси билан  
келишилсин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли  
карорининг 2-илова 30-бандига асосан, Буюртмачи томонидан тайёрланган ичимлик ва оқава сув  
объектлари лойиха-смета хужжатлари “Фаргона сув таъминоти” МЧЖ билан келишилиши  
белгиланган ва 1(бир) пусха лойиха смета хужжатлари берилиши шарт. Акс холда мазкур  
курилиш-монтаж ишлари учун тайёрланган лойиха смета хужжатлари келишилмаган хисобланади  
ва мазкур объектлар “Фаргона сув таъминоти” МЧЖ томонидан қабул қилинмайди.

Барча курилиш материаллари сифат сертификатига эга булиши шарт.

Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида ҳакиқий деб  
хисобланади.

“Фаргона сув таъминоти” МЧЖ  
Риштон туман филиали раҳбари:

Ж.Собиров

“Фаргона сув таъминоти” МЧЖ  
Риштон туман филиали ИЧБ мухандиси:

И.Мамадалиев

